

Хотиржамликнинг сири



14:00 / 05.07.2022 5345

Абу Забя розияллоху анху ривоят қиладилар:

“Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху вафотларидан сал олдин хасталаниб қолдилар. Беморни кўришга келган Усмон розияллоху анху ундан сўрадилар:

- Сени нима безовта қияпти?”
- Гуноҳларим.
- Кўнглинг нимани тусамоқда?
- Раббимнинг раҳматини.
- Сенга бир табиб чақирайми?
- Аслида мени хаста қилган Табибдир.
- Сенга бир оз маош ёзишимга рухсат берасанми?
- Маошга асло эҳтиёжим йўқ.
- Ҳеч бўлмаса, кейин қизларингга берилади-ку!

Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу:

- Сен қизларимни камбағалликдан қийналишади, дея хавотирдамисан? Мен уларга ҳар кеча Воқеа сурасини ўқишни тайинлаганман. Зеро, **Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳар оқшом Воқеа сурасини ўқиган киши ҳеч қачон тирикчилик заҳматини чекмайди”,** деб марҳамат қилганларини эшитган эдим, - деди”.

“Қалбимизнинг нури” китобидан